

Муҳаммад САЛОМ

АМАЛ ҲАВОСИ

(Роман)

**«ТАФАККУР НАШРИЙОТИ»
ТОШКЕНТ – 2014**

УЎК: 87.78
66.3(5Ў)
П 84

Муҳаммад Салом.
Амал ҳавоси /Роман/. Муҳаммад Салом. Тошкент: “Tafakkur”
нашриёти, 2014 й. 272 б.

КБК 66.3(5Ў)
76.01

Тўлдирилган иккинчи нашири

ISBN 978-9943-24-146-6

© “TAFAKKUR” нашриёти, 2014

*Амалий илм уч турга бўлинади:
биринчиси – мамлакатни идора қилиши;
иккинчиси – уйни идора қилиши;
учинчиси – ўз – ўзини идора қилиши.*

Абу Али ибн Сино.

АСАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Етмишинчи йилларнинг охирларида бир мавзу тинчимни йўқотди: туман етакчиси – шаклланиш; *камол топшиш ва таназзул. Ҳалокатнинг илдизлари...*

Бу вақтларда палон жойдаги палон раис, палон райком секретари бунча бойлик йиғибди, халқ мулкини талон-тарож қилибди, одамларга зуғум ўтказибди, бунча муддатга камалибди, деган гаплар кулоққа чалиниб қоларди. Бундан ташқари, босар-тусарини билмай, хурмача қилиқлар қилиб юрадиган баъзи амалдорларни ҳам кўриб турардим. Эҳтимол, мана шу эшитганлариму билганларим менга йирикрок бадий асар ёзишим учун туртки бергандир.

Кўп мушоҳадалардан кейин, ниҳоят, “Таназзул” деб номланган романни ёзишга киришдим. Бошда иш юришди: бир неча бобни эшитганим воқеалар асосида “қотириб” ташладим. Бироқ, навбатдаги бобда тақа-тақ тўхтаб қолдим. Негаки, бош қаҳрамон ҳаракатланадиган майдонни – райкомнинг ички ҳаётини, “ваҳимали” мажлисларини, ходимларнинг ўзаро муносабатларини деярли билмас эканман. Тахминан, ҳаёлот кучи билан давом эттиришни эса эп кўрмадим. Нима қилиш керак? Бошим қотди. Бирор туманда бу соҳани ўрганиш керакмикан?

Уша дамларда ўзим туғилган туманнинг янги раҳбари хусусида ғаройиб гаплар эшитиб қолдим. У кишини яхши танирдим. Балки ёрдами тегар...

Мақсадимни Салим Раҳимов тўғри англади ва:

– *Марҳамат, бемалол ўрганинг, – деди очиқ чеҳра билан. – Қандай саволлар бўлса, тортинмай сўрайверинг, – кейин кулганча қўшиб қўйди у: – Асосий жанг майдонимиз ҳисобланган бюrolаримизда қатнашинг.*

Ўрганиш анча давом этди. Ўзим кутмаган ҳолларга, ҳолатларга дуч келдим. Хилма-хил, турфа табиатли одамлар билан мулоқотда бўлдим. Мени лол этган асосий жиҳат... фавқулодда дадиллик, фавқулодда жасорат...

Тасаввур этинг: ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охири. *Қизил Империя тумшугини тикмаган* бирор соҳа йўқ. Битта бинони бузиш ёки тиклаш учун ҳам Масковнинг рухсати керак. Ўзим гувоҳиман: ҳатто, режадаги бирор китоб номини ўзгартирмакчи бўлсангиз, албатта марказга хат ёзиб, тушунтириш берасиз. Шундай вазиятда катта бир туман қиёфасини ўзгартириш, марказда жуда муҳим саноат корхоналари бунёд этиш, одамлар турмушида туб бурилишлар яшашга уриниш, ташландик ҳолга келган кабристонларимизни обод қилиш, *буюк аждодларимиз руҳини эъозлаш, эҳ-ҳе, булар жуда кўп, қизиғи*, бу ишларни оддий муаллимдан чиққан етакчи амалга оширяпти.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1979 йилнинг август ойи охирлари. Туман маркази яқинидаги хўжалик шийпонида ётиб, кузатув ишлари олиб борардим. Тонг-сахар чоғи қоровулнинг шарпасидан уйғониб кетдим.

– *Ҳайитингиз муборак бўлсин!* – деб мени табриклашга қўл чўзди у киши сал ўтгач, мен юз-бетимни ювгач.

Тушунмадим. Унга анқовсираб қарардим. Буни англаб:

– *Бугун Рамазон ҳайити байрами*, – деди қоровул табассум билан. – *Ҳайит намозига борасизми?*

Синиқ кулимсирадим, бош чайқардим. Сўнг:

– *Қаерда ўқилади?* – деб секин сўрадим ундан.

– *Ҳу ана, Сўфи Чўян мачитида. Ман ҳайит намозига бориб келай...*

Кеча қоровул уйдан косада ош-палов чиқартирган, ош устида ҳар хил пишириқлар бор эди. Ҳеч нима хаёлимга келмаган. Аммо унинг рўза тутишини яхши билардим. Кейинчалик бунинг фаҳмига етдим: Арафа куни ўтганлар руҳи-поклари учун исчиқарилган, фотиҳа ўқилган...

Чорпояга қайта чўзилиб, хаёлга толдим. Бир оздан кейин майин азон товуши, кейин имомнинг “Қуръон” сураларини баланд овозда ўқиган ёқимли овози, Оллоҳу Акбар сўзлари таралди-ю, бутун вужудим жимирлаб кетди. Ўзимча “Бизларга ҳам насиб қилармикан шундай кунлар?” деб қўйдим.

Қоровул қайтганидан сўнг ундан сўрадим:

– *Ҳар йили ҳайит намози шундай ўқиладими?*

– *Йўз-а...* Яқинда мачит сал эпақага келтирилиб, биринчи маротаба ҳайит намози ўқилди. Намозхонлар роса ёғилиб келибди. Ҳамма қувонган...

– *Яхсин! Охири хайрли бўлсин!* – дедим ҳаяжонланиб. Бу ишда ҳам кимнинг рағбатию қўли борлигини теран ҳис этдим.

Шунга ўхшаш яна кўплаб ажойиб воқеаларга, ҳолатларга ке-

йин ҳам шоҳид бўлдим. Истеъдоднинг қирралари ранго-ранглигига, бу қирраларни ишга сола билиш эса янада жозибали эканлигига иймон келтирдим. Фикрим ўзгарди. Кўрган ва эшитганларим бўйича аввал бирор нима ёзиш, ибратли фаолиятни одамларга етказиш, тарғиб қилиш фикри мени безовта қилишга тушди.

Шу тариқа бир неча йиллик меҳнатим маҳсули – “Мувозанат” романи юзага келди. Айтиш жоизки, асар айнан бўлиб ўтган воқеаларга асосланмаган: *бадиий тўқимага кенг ўрин берилган*, турли тоифадаги кишилар қиёфаю ҳаракатлари умумлаштириб олинган. Бош муддао – Одам; ҳаётга таъсир этиши мумкин бўлган етакчиларни ўз ўрнига қўя билиш, *эл дарғаси ҳар жиҳатдан етук, маънан мукамал* бўлиши масаласидир. Шу маънода бош қаҳрамонга ўз қарашларимни, бойлик ва севги бобида ўзини тия билиш фазилатларини сингдиришга ҳаракат қилганман. Бинобарин, раҳбар бошқаларга намунадир.

Яқинда ўқиб қолдим. XI асрда яшаб ўтган буюк шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб ҳам “Қутадғу билиг” достонида: *“Кўринг, агар итларга бош бўлса арслон, Итларнинг барчаси у каби бўлади арслон. Агар арслонларга бошчи бўлса ит, Арслонлар бўлади мисоли бир ит”, деган эканлар.* Бундай фикрлар ҳаётда ҳаминша иботини топган...

Кўнглим тўлғач, асарни чиқариш учун нашриётга топширдим. Нашриётда ўша даврнинг ва Мустақиллик йилларининг ҳам тан олинган етук танқидчиси Озод Шарофиддиновга ҳолис баҳолашини сўраб, қўлёзмани ички тақризга беришган. Танқидчининг фикрларига тўла қўшилганман. Яна, қоидага кўра, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг наср кенгашида, *1984 йилнинг 9 февраль кuni* кенгаш раиси, улуғ адибимиз Одил Ёкубов раҳбарлигида роман қўлёзмаси муҳокама ҳам қилинди.

Ички тақриз ва муҳокамада айтилган фикрлар бўйича асарни қайта ишлаб, нашрга тайёрладим. Қисқа фурсатда романнинг иккала корректураси ўқилиб, босишга тахт этилди. Бироқ, бу вақтда Масковда ҳокимият ўзгарган, ўзимизнинг ғоявий раҳбарларимиз ҳам ўшаларнинг чилдирмасида ўйнашга уринар эдилар. Шу боис корректурада катта қисқартишлар қилиниб, учинчи корректура русчага ўгирилган ҳолда ғоявий раҳбар хонимга ўқитиб олинган. Мен бу қисқариш ва баъзи “таҳрир”лардан рози эмас, бу тарзда китоб чиқишини истамас эдим. Аммо йил охирида қолган эди. Режадаги тайёр китоб чиқмаслиги эса нашриётнинг молиявий аҳволига жиддий таъсир ўтказар, *ходимлар жуда зарур мукофотдан маҳрум бўлардилар...* *Ночор аҳволга тушдим. Лекин китоб чиққанидан сўнг унга қарагим ҳам, саҳифаларини кўздан*

кечиргим ҳам келмади. Шундай эса-да, китоб тез тарқалганидан хабарим бор.

Бирок, бу орада Ўзбекистонга “қузгун” оралади: “Пахта иши” деб ном олган мудхиш воқеа туфайли халқимиз бошига кўп кулфатлар ёғилди, юзлаб эл фидойилари тутқинликда, оғир қийноқлар остида азоб чекдилар, мажруҳ ҳолга тушдилар, оламдан бевақт кетдилар.

Шундай кишилар орасида ўзи раҳбарлик қилган туманни оёққа турғазган, ажиб иншоотлар бунёд этиб, эл эъзозига эришган Салим Раҳимов ҳам бор эди. Бу одам ҳақидаги хунук хабарни Марказий телевидениенинг 1989 йил ёзидаги кўрсатувларидан бирида, манфур Тельман Гдлян сўзларидан эшитдим. Юртига, халқига яхшилик қилган етакчи ўлимга ҳукм этилган, шикоятга ўрин йўқ, деб жар солинган эди.

Маҳкумнинг кекса отаси ҳамда бир гуруҳ халқ вакиллари ҳақиқат истаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги раиси, СССР Халқ депутати Одил Ёқубовга ёрдам сўраб, мурожаат қилганлар. Собиқ етакчини яхши билувчи киши сифатида бу ишни ўрганишни Одил ака (*охиратлари обод бўлсин*) менга топширди. Бу вақтда Салим Раҳимов, ажабки, ўз юртида эмас, сира дахли йўқ Тожикистоннинг пойтахти Душанбе шаҳрида, ўлим камерасида жуда оғир лаҳзаларни бошдан кечириб ётарди. Суд мажлислари ҳам ўша ерда, деярли яширин тарзда ўтказилган. Мен аввал туманга бориб, Марказком номидан зўравонларча иш кўрган терговчиларнинг қийноғи остида кўрсатма берган кўплаб одамлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг бир қисми собиқ раҳбарга туҳмат қилишга мажбур этилган, аксарияти калтақлар зарбидан мажруҳланиб, соғлиғини батамом йўқотган эдилар.

Вазият ойдинлашгач, юртимиз бош прокурорининг ўша вақтдаги биринчи ўринбосари Бўритош Мустафоевнинг ёзма йўлланмаси билан “қуролланиб”, Душанбе шаҳрига йўл олдим. Анча қийинчиликлардан сўнг ўлим камерасида, миршаблар назоратида, икки соатча вақт ичида маҳбус билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Суҳбат ва кузатувларим бўйича “*Зиндондан нидо*” деб аталган мақола ёздим. Мақола ўша йилнинг куз ойларида “Қишлоқ ҳақиқати” рўзномасининг еттита сонидида чоп этилди, радио эфирларида таралди.

Орадан қанча вақт ўтди, эсимда йўқ, “Тошкент” меҳмонхонасида Салим Раҳимовни яқин одамлари орасида, озод ҳолда учратиб, мириқиб гурунглашдим. Мен бу ажойиб, нурли кунга ҳисса кўшдим, дейишга жуда тортинаман. *Мен бор ҳақиқатни* имкон қадар одамларга етказишга уриндим, холос.

Асосий хизматни эса мухтарам Юртбошимиз муваффақиятли тарзда, ғоят жасорат ила адо этгани ҳаммамизга аён. Ўша жасорат туфайли юзлаб етакчилар, ажиб тадбиркорлар фалокатдан, ҳалокатдан омон қолдилар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида яна ўзларини намоён этдилар. Қаҳрамонимиз Салим Раҳимов ҳам ўшалар сафида аввал ўз колхозини, сўнг фермер сифатида йирик фирмани қайта оёққа турғазига, донг таратишга эришиб, ўз шаънию обрўсини янада юқори кўтарди...

Бир сабаб бўлди-ю, ўтган йили “Мувозанат”ни кўздан кечиримизга тўғри келди. Ўшанда асарнинг жуда керакли ўринлари қисқарганидан кўнглим ўксиди. Ўйга толдим ва қатъий қарорга келдим: ҳур мамлакатим аҳли бу китобни тўлалигича ўқишлари, ўша давр ва одамлар хусусида маълум бир тушунчага эга бўлишлари зарур. Бугина эмас, бош қаҳрамон Сўнмас Рустамов каби дадил, жасур, *тадбиркор етакчилар ҳамиша кераклигини* ҳам биламиз. *Шу маънода асарни тўлдириб*, баъзи таҳрирлар асосида, “Амал ҳавоси” номида азиз китобхонга ҳавола этишни лозим топдим. Зотан, ҳар қандай амалнинг ҳам ўзига хос, ёқимли ҳавоси билан бирга кучли шамолларию бўронлари ҳам бўлади. Романда бунга ҳис этарсиз, деган умиддаман.

Муаллиф.

Кун ботарга қараган уч қаватли бино рўпарасига оппоқ “Волга” оҳиста келиб тўхтади. Орқа эшик очилиб, қорамтир пальто, худди шунақа рангда шляпа кийган, кичик жуссали киши – туман раҳбари тушди-да, жанубга, икки юз қадамча нарига нигоҳлари қадалиб, беихтиёр тўхтаб қолди: икки қаватли универмаг яқинида сақичдай ялтираган қоп-қора “Чайка” савлат тўкиб турарди. Машина атрофида ҳеч ким кўринмас эди. Эҳтимол ҳайдовчиси бирор ёққа кетгандир. Аброр Сатторович-чи? Идорага кирганми-кан?

У саволчан назар ила шу атрофнинг энг кўркам, ҳайбатли иморати бўлмиш уч қаватли бино эшиги сари ўгирилди. Эшикнинг ўнг тарафидаги “Ўзбекистон Компартияси Боғистон район комитети”, чап ёнидаги “Боғистон район ижроия комитети” деган лавҳа анча олисдан ҳам бемалол кўзга ташланар эди.

– Домла, қаранг, – машина ичидан ҳайдовчи овоз қилди, – обком секретари айланиб юрибдилар. Ҳу, ана, хиёбонда.

Раҳбар дарҳол ортига бурилиб, ўзидан тикроқ, ям-яшил арчалар оша узун ҳамда кенг майдонга разм солди. Чарақлаган куёшнинг оловранг нурлари кўзларини қамаштирди, пастда ўз хукмини ўтказаяётган аччиқ изғирин эса юзларини гўё тимдалади, шиддатли шамол шляпасини юлқишга уринди. Нафаси қайтиб, ютинди-ю, шляпасини босиб кияркан, майдоннинг ўртарида шамолга орқа ўгириб, секин одим отиб келаётган таниш икки кишини кўрди. Жиккак қоматли қария ўнг қўлини силкитиб, ҳамроҳига алланималарни тушунтирар, антиқа навли телпак кийиб, шунақа ёқали кулранг пальтога бурканган барваста киши эса, гоҳо бош ирғаб кўярди. Баъзан шамол тесқари эсиб, уларнинг кийимларига чанг-тўзон ғуборларини пурқар, хас-хашакларни чирпирак қилиб, ҳавога учириб кетар эди.

Атроф-теваракнинг кўриниши анча ночор – туман марказидан кўра кўпроқ қурилиш майдонини эслатарди: тиккайган бирорта ҳам дарах қолмаган; ўрталикдан кенг, чуқур зовур қазилган; у ер-бу ерларда тупроқ уюмлари “тоғ” бўлиб ётар; уяси бузилиб, макони тўзғиган сонсиз-саноксиз қарғалар тепада ларзона чарх уриб айланарди. Қария гоҳо кўкка қўл чўзиб, ҳамроҳига кушларни кўрсатар, ўскин қошларини чимириб, негадир бош чайқаб кўяр эди.

– Хуш келибсиз, Аброр Сатторович, – деди туман раҳбари улар ёнига етиб боргач, антиқа телпакли кишига қўл узатиб. – Ассалому алайкум.

– Салом, – вилоят раҳбари негадир хушламайроқ кўл чўзди. Унинг қовоғи солиқ, ҳорғин кўзлари ўйчан, овози ҳам қандайдир кесатикли оҳангда эди. – Ҳорманг, секретар.

– Бор бўлинг, Аброр ака. Келганингиздан беҳабар қолибмиз...

– Ўртақ Саттаров яқиндағина келгондилар, ўртақ Рустамов, – қария ўзининг сўзлари эшитилмай қолмаслиги учун кафти билан шамол йўлини тўсиб, туман раҳбарига энкайиброқ гапирди. – Идарага ҳали киргонлари ҳам йўқ.

– Нима, амир Олимхонмидимки, ҳар сафар ноғораю сурнай билан, асъасаю дабдаба билан йўлга чиқсам! – Сатторовнинг чехраси бир оз ёришгандай бўлди. Рустамов эса дабдурустан қизариб, бўзарди. Аслида унинг гапида жон бор эди. Обком секретари туманга тез-тез ташриф буюриб турар, аммо келишидан аввал ҳамиша биринчи раҳбарнинг ўзига кўнғироқ қилар, фалон жойда учрашамиз, фалон кишилар, фалон мутахассислар ёнингда бўлсин, деб тайинларди. Бугун тонгда эса уни огоҳлантирмасдан – кўкқисдан мана бу “остин-устун” хиёбонга ташриф буюрибди. Боғбон Нажим бобони дарров қандай топиб олдийкин? Бирор жиддий гап бормикан, а? Кайфияти ҳам жойида эмасга ўхшайди...

– Идорага кирамизми, Аброр ака?

– Йўқ, – Сатторов ҳамроҳлари сафидан чиқиб, шағал уюми рўпарасида тўхтади-да, Рустамов томон ўгирилди. – Идорада қиладиган ишимиз йўқ.

– Дала айланамизми?

– Дала аҳволи менга маълум. Уч хўжаликда шўр ювиш натижасини кўздан кечирдим. Сув қўйилганидан кейин совуқ тушгани, ер музлагани соз бўлибди. Анча-мунча хашароту курт-қумурсқаларга қирон келади.

– Шунини мўлжалга олгандик, Аброр ака.

– Лекин барибир имилляпсизлар, Собит Каримович.

– Тузлар эриб, ер комига кўпроқ чўқиши керак.

– Ҳа демай, чигит экиш бошланади-я, – Сатторов овозини бир қадар кўтариб, қизишиброқ гапирди. – Ханузгача шудгор қилинмаган ерларингиз бор экан.

Собит Рустамов индамай четга қаради. Бу ўринда ўзини оқлайдиган бирор гап айтишга ҳожат йўқ эди. Ўтган йили “Сўнгги грамларни ҳам ерда қолдирмаймиз” деб майдонларни ғўзапоядан тозалашга кеч киришилди. Оқибатда, қаттиқ совуқлар бошланди-ю, ерлар музлади, баъзи майдонлар ҳайдалмаганича қолиб кетди. Ғўзапоялари қорайиб турган ерлар ҳозир ҳам кўзга чалинади. Дехқонлар уларни ўриб олишяпти. Шубҳасиз, вилоят

рахбари буларнинг ҳаммасини яхши билади. Шунинг учун ҳам каттиқ кесатмаяпти. Эҳтимол, янги етакчининг яқинда – куз охирида иш бошлаганини ҳисобга олаётгандир.

– Кун қизишини кутаяпмиз, Аброр ака.

– Тажрибали деҳқонсиз, сизга ўргатгулик жойи йўқ. Энди ҳамма хўжалик хусусида бош қотириш, ҳаммасини ҳам ўзингиз райис бўлган колхоз даражасига кўтариш ҳақида қайғуринг. Бу учун ҳозирдан отни қамчилаш зарур бўлади.

– Шундай қилишга бел боғлаганмиз...

– Бу – яхши! – Сатторов кўрсаткич бармоғи билан ҳавони “кескилади”, сўнг Нажим бобога бир қараб олди-да: – Бу... хиёбонни бузиш фикри ўзингиздан чиққанми? – деб Рустамовдан сўради.

Рустамов унга таажжуб ила тикилди:

– Ҳа, аввал мендан чиқди, кейин ўртоқлар билан маслаҳатлашдик.

– Буйирадаям муҳакама қилғондик, ўртақ Саттаров, – жимгина қулоқ солиб ўтирган Нажим бобо гап қўшди. – Жа кўпчилик маъқуллаған.

– Жуда кўпчилик? Бундан чиқдики, эътирозлар ҳам бўлган.

– Эътирозлар яғиди, локин индамағанлар бариди.

– А-ҳа, ўшалар... – Сатторов елка қисиб, хаёлчан қулди. – Уларга буз-тузлар, ўзгаришлар ёқмаған.

Рустамовнинг юраги “шув” этди-ю, эҳтиёткорона оҳангда, секин сўради:

– Шикоят қилишдимми?

Сатторов қўлларини орқасига боғлаб, туман раҳбарига тик қараган кўйи:

– Иш бошлаганизга ҳали икки ой ҳам тўлгани йўқ, ўртоқ биринчи секретар, – деди овозини анча кўтариб. – Мана, ҳалитдан ҳар хил хатлар!

Рустамов сесканиб тушди. Рангги оқариб, оёғида дармонсизлик сизди. Ажабо, нимада хатога йўл қўйдийкан? Икки ой ичида наҳотки одамларни ранжитиб улгурган бўлса? Бу орада кимларга озор берди, кимларга ёқмайдиган ишлар қилди...

Икки ой аввал... Ўша кун...

II

Танаффусга чиқишлари билан обкомнинг фирқавий-ташкилий ишлар бўйича бўлим мудири унинг билагидан тутди:

– Сизни Каттакон йўқлаяптилар.

Рустамов таққа тўхтаб:



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1138> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1138> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1138>